

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛОЕВ АСЛИДДИН ЖУНАЙДУЛЛОЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллоевич

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг
устувор йўналишлари.....3

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллоевич

Приоритетные направления развития кооперационных отношений в сельском
хозяйстве.....25

Abdulloev Asliddin Junaedulloevch

Priority directions of development of cooperative relations in agriculture.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛОЕВ АСЛИДДИН ЖУНАЙДУЛЛОЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.Ph.D/Iqt89 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фарманов Тўлқин Хайитмуродович,
иқтисодиёт фанлари доктори.

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Мажидович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Жумаев Отабек Толибович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.П. Умурзаков,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

Б.Ф. Султанов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Н.С. Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида қарийб икки ярим асрдан буён агросаноат мажмуаси корхоналари замонавий кооперация муносабатлари асосида барқарор фаолият юритиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини кўпайтириш, юзага келувчи молиявий, ҳуқуқий, экологик, ижтимоий муаммолар ҳамкорликда муваффақиятли ҳал этилмоқда. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеясининг 2009 йил 18 декабрдаги 64/136-сонли резолюциясида кооператив ҳаракатлар натижасида аҳоли ўртасида қашшоқликни камайтириш, меҳнат бандлигини таъминлаш ва жамиятдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда интеграция муносабатларини ривожлантириш, шунингдек аграр соҳада эришилаётган доимий барқарор иқтисодий муваффақиятларни ҳисобга олиб, 2012 йил “Халқаро кооперативлар йили” деб эълон қилинди¹.

Глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган кооперативлар дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида 800 миллионга яқин аъзоларга эга ва экспертларнинг фикрича, ушбу кооперативларда бутун дунё бўйлаб 100 миллиондан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги кооперативлари Норвегия, Янги Зеландия ва Америка Қўшма Штатларида сутнинг 80–99 фоизини, Корея Республикасида балиқ етиштиришнинг 71 фоизини, Бразилияда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 40 фоизини ишлаб чиқармоқда².

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва таъминот тизимида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар тубдан модернизация қилинмоқда. Аммо “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда”³. Ушбу стратегик жиҳатдан истиқболли ва йирик салоҳиятли тадбирларни самарали амалга ошириш агросаноат мажмуасида замонавий кооперация муносабатларига асосланган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамкорлик алоқалари шаклланишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга

¹ Чориев Қ.А. Пахта ва дон етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигида қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар. Тошкент, 2011, 11- бет.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4239-сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори: //lex.uz/docs/4242012

мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978-сон “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир неча асрдан буён хорижий давлатларда иқтисодий соҳалари ўртасида адолатли, шаффоф ва демократик тамойилларга мос иқтисодий-ҳуқуқий ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг зарурлиги бўйича етук олимлар, жумладан Э.Дж. Долан, Д.Е. Линдсей, С.А. Краензле (С.А. Kraenzle), Е.Е.Эверсулл (Е.Е.Eversull), Г.А. Бейкер (G.A. Baker), О. Грюневальд (O. Grunewald), У. Горман (W. Gorman)⁴ ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу олимлар ўз илмий ишларида кооперация муносабатларига алоҳида тўхталиб, уни иқтисодий соҳаларини ривожлантиришдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, ўрни ва хусусиятларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида аграр иқтисодчи олимлар, жумладан, М.Бакетт, Д.Аяцков, Г.Кулик, И.Н.Буздалов, А.Ф.Демченко, И.А.Попов, В.В.Милосердов, А.В. Чайнов⁵ ва бошқа олимлар кооперация муносабатларининг илмий-амалий самарадорлиги тўғрисида илмий тадқиқот изланишларини олиб бориб, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятининг назарий-методологик масалаларини ишлаб чиққанлар.

Республикамиз агроиқтисодий соҳасидаги олимларнинг, жумладан А.Жўраев, Ф.Қаюмов, Р.Ҳусанов, Ч.Муродов, Ф.Назарова, Н.Хушматов, Қ.Чориев, Т.Фарманов⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида агросаноат мажмуида

⁴ Э.Дж. Долан, Д.Е. Линдсей. Рынок: микроэкономическая модель // пер. с англ. С.-Петербург, 1992. – С.496.; Kraenzle С.А., Eversull Е.Е. Co-ops increase share of farm marketing; share of farm supply sales dips slightly // Rural Cooperatives, may-june 2003. -P.19-21.; Introduction in Food and Agribusiness Management // Gregory A. Baker, Or-Ien Grunewald, William Gorman - New Jersey: Prentice Hall, 2002. – P.364.

⁵ Бакетт М. Фермерское производства: Организация, управление, анализ. // М.: ВО Агропромиздат. 1989.-149 с.; Аяцков Д. Верная задача - поставить кооперацию на ноги // Росс. Кооперация. 1999. -№5. – С.2-8.; Кулик Г. Развитию кооперации Правительство придает исключительное значение // Росс, кооперация. 1999. -№1. – С.1-9.; Буздалов И.Н. Возрождение кооперации // Экономика. – Москва. 2005. – С.175.; Демченко А.Ф. Кооперация в животноводстве: проблемы связей и отношений-теория и практика // РУ ВНИИМ. – Москва. 2004. – С.296.; Попов Н.А. Основы формирования единой кооперативной системы в АПК страны. – М. ЦНТИП и Р, 2005. – С. 157.; Милосердов В.В. Крестьянский вопрос в России: прошлое, настоящее, будущее. – М.: ГУП «Агропресс», 1998. – 260 с.; Чайнов А.В. Крестьянское хозяйство: Избранные труды / Редкол. сер.: Л.И.Абалкина (пред.) и др. – М.: Экономика, 1998. – 492 с.

⁶ Жўраев А.М. Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт. – Т.: Мехнат. 1992. -200 б.; Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. – М.: ИПО полиграмм. 1991. – 330 с.; Ҳусанов Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мустақиллик йилларида: муваффақият ва муаммолар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2001. – № 5. 15-18 б.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. дис. автореф. ... икт.фан.док. – Т.: 2001 – 46 б.; Назарова Ф. Иқтисодий эркинлаштириш

иктисодий ислохотларни тизимли ва изчил амалга ошириш, бунда кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти ва алоҳида хусусиятлари ёритилган. Бугунги кунда ҳам ушбу долзарб мавзу доирасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида кооперация муносабатларини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари Ш.Эргашходжаева (2006 й.), О.Жумаев (2004 й.), Х.С.Хушвақтова (2005 й.) ва Р.Т.Тошматовлар (2010 й.)⁷нинг тадқиқотларида келтирилган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва изчил жадаллаштириш, соҳа тармоқларини инновацион ривожлантириш тадбирлари амалга оширилаётган даврда танланган мавзу доирасида тадқиқотлар етарли олиб борилмаган. Мазкур масала бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро Давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда 2015–2017 йилларга мўлжалланган А-2-24 (24-48) - сонли “Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда меҳнат муносабатлари ва маҳсулот етиштиришни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар тўпламини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа ва 2018–2021 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-04(08)-сонли “Кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермер хўжаликларида рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришнинг мақбул моделларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асосларини, соҳани модернизациялашдаги объектив зарурат ва ижтимоий-иктисодий аҳамиятини тадқиқ қилиш;

шариотида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари. дис. автореф. ... икт. фан. номз. – Т.: ЎзБИИТИ. 2001. – 24 б.; Хушматов Н. Фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. дис. автореф. ... икт. фан. номз. – Т.: 1994. – 21 б.; Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Т.: Фан. 1992. – 120 с.; Чориев К.А. Пахта ва дон етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигида қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар. – Т., 2011. – 34 б.; Фарманов Т.Х. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. дис. автореф. ... икт. фан. док. – Т.: 2006. – 46 б.

⁷ Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. дис. автореф. ... икт. фан. док. – Т.: ТДИУ. 2006. – 42 б.; Жумаев О.Т. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асослари. дис. автореф. ... икт. фан. номз. – Т.: ЎзБИИТИ. 2004. – 24 б.; Х.С.Хушвақтова. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий муаммолари. дис. автореф. ... икт. фан. номз. – Т.: ЎзБИИТИ. 2005. – 42 б.; Тошматов Р.Т. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш. дис. автореф. ... икт. фан. номз. – Т.: ЎзБИИТИ. 2010. – 42 б.

қишлоқ хўжалигида институционал таркибий ислохотлар жараёнида кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма соҳаси субъектлари ўртасида ўзаро шартномавий ва иқтисодий механизмларни такомиллаштириш асосида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерлар фаолиятига мос инновацион кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган, шунингдек уларга хизмат кўрсатиш бўйича инфратузилма субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқотлар Бухоро вилоятининг Ромитан, Гиждувон, Вобкент ва Когон туманларининг фермер хўжаликлари, муқобил машина-трактор парклари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларда олиб борилди.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида юзага келувчи муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида абстракт-манتيкий фикрлаш, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма субъектларининг функционал фаолиятида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кооперациявий ҳамкорлик муносабатлари асосида ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида кооперация бирлашувидаги кооператив корхоналарни “давлат, хусусий, хорижий ҳамкорлар” шерикчилиги асосида ташкил этиш самарали эканлиги асосланган;

ихтисослашган пахтачилик кластерларидаги хўжаликлар фаолиятини кооперация муносабатлари асосида мувофиқлаштириш ва ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини шакллантиришнинг намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий-шартномавий муносабатлар, ўзаро даромадлар ва фойдани тақсимлаш амалиётини тенг манфаатлар асосида амалга ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор кўпайтириш сингари хусусиятларни назарда тутувчи кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида кооперацияга асосланган кооператив корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий намунавий ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва уларни уйғунлашган ҳолда қабул

қилиниши асосланган;

қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилиб, тавсифланган;

қишлоқ хўжалиги, хизмат(иш) кўрсатиш, таъминот ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида замонавий кооперация асосида ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришнинг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг замонавий илғор тажрибаларини республикамизда жорий этишнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар берилган;

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришни давлат томонидан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот объектлари доирасида амалга оширилган илмий изланишларда тадқиқот усулларида тизимли фойдаланилганлиги, унинг якуни бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишончли ҳамда адолатли эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва хизмат (иш) кўрсатишга ихтисослашган хўжалик субъектлари ўртасида кооперация муносабатларига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича назарий қарашларни янада бойитади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, маҳаллий давлат бошқарув органлари, агросаноат мажмуига кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган махсус концепция, мақсадли дастурлар, “Йўл хариталари” ва чоратадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларининг агросаноат иқтисодиёти, менежмент, логистика ва маркетинг йўналишларига тааллуқли фанлар бўйича ўқув дарсликларини тайёрлашда кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

худудларда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ихтисослашганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари, хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишлардаги хўжалик субъектлари ўртасида кооперация муносабатларини шакллантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2009 йил 18 июндаги 02/18-213-сон маълумотномаси).

Мазкур таклифлар асосида фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантиришнинг институционал тизимини такомиллаштириш бўйича қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг маҳсулотларини харид қиладиган корхона ва ташкилотлар, шунингдек, хизмат кўрсатиш, иш бажариш, таъминот ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилишини таъминлаш юзасидан таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1254-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар қишлоқ хўжалиги ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини тенг манфаатларда мустаҳкамлаш ҳамда уларни иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият кўрсатиш имкониятини яратган;

пахта тўқимачилиги кластери фаолиятида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, бунда пахта хомашёсини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимида иштирок этувчи хўжалик субъектлари ўртасида тенг манфаатлар асосида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг зарурлиги ҳамда бу тизимни мувофиқлаштириш ва фаолият юритишнинг илмий-амалий жиҳатдан асосланган намунавий тузилмаси тўғрисидаги таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1254-сон ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2018 йил 23 октябрдаги 01/03-1807-сон маълумотномалари). Юқорида санаб ўтилган таклифларнинг жорий қилиниши кластерлар таркибидаги хўжалик субъектлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, бошқарув ва ижро масъулиятини оширишга амалий ёрдам кўрсатган;

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий механизмларни бутун бир мажмуа сифатида шакллантириш тўғрисида таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги ММ-5-1/20-6-2938-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар доирасида қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши кооперация муносабатларидаги кооператив бирлашмалар/корхоналар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилган; қишлоқ хўжалиги тармоқлари даражасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясининг моделини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги ММ-5-1/20-6-2938-сон

маълумотномаси). Мазкур таклифлардан қишлоқ туманларида кооператив бирлашмалар ташкил қилишда фойдаланилмоқда ва улар корхоналарни барқарор фаолиятини йўлга қўйишга амалий ёрдам кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича учта халқаро ва учта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар натижалари бўйича жами 53 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шундан 10 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий ҳажми 155 бет бўлиб, 8 та жадвал, 12 расм ва 24 та иловани ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот ишининг олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқот илмий янгилиги, амалий натижаларининг аҳамияти ва амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида ислохотларни жадаллаштириш даврида қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг назарий асослари тадқиқ қилинганлиги баён қилинган.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада изчил амалга ошириш ва 2019 йилдаги устувор вазифалар сирасида: “қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа” деб таъкидланди ва ҳукумат томонидан “2019–2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури”ни қабул қилиш белгиланди⁸.

Шунингдек, мамлакат раҳбари “фақат бугунни эмас, балки эртанги кунни ҳам ўйлаб, узоқни кўзлаб ислохотларни янги босқичга кўтариш... шу мақсадда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқиладиганлиги, “бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида жойларда логистика хизмати ва кооперация тизимини кенг жорий

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28.12.2018>.

қилиш лозимлиги”⁹ни қайд этди.

Миллий дастур ва 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегия мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган муҳим ва ўта долзарб масалани қамраб олган ҳужжатлар ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларда белгиланган тадбирларни самарали бажариш ва режадаги натижаларга эришиш учун, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ва унга турдош соҳалар ўртасида мустаҳкам ҳамда соғлом кооперация муносабатларини шакллантириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг асосий мақсади – ўзаро боғлиқ тармоқларда фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахс сифатидаги хўжалик субъектларини демократик тамойиллар асосида бошқариш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш жараёнида тенг манфаатларда қатнашишини таъминлаш, дебитор қарздорликни олдини олиш ва банкрот бўлишидан сақлаш, ички ҳамда ташқи бозорда рақобатли курашда барқарор фаолият кўрсатиш учун тенг манфаатли шароитларни яратиш ҳисобланади. Ушбу ҳамкорликда аъзоларнинг мол-мулки, ер участкаси ва уларнинг дахлсизлиги ва мустақиллиги сақланиб қолинади.

Кооперация муносабатларига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг фаолияти бўйича кенг кўламда илмий иш олиб борган етук хорижий олимлар М.И.Туган-Барановский, А.В.Чаянов, Д.П.Шелехов ва А.Н.Энгельгардтнинг, республикамизда И.С.Ларин, Қ.А.Чориевнинг илмий тадқиқот ишлари, Р.Х.Ташматов ва Х.С.Хушвақтованинг диссертация ишлари таҳлил қилинди. Олимларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарини ўзаро кооперацияли ҳамкорлигида ишлаб чиқилган маҳсулотлар уйғунлашган меҳнатнинг пировард натижаси ҳисобланади, яъни қишлоқ хўжалигига саноат маҳсулотларини барқарор ва узлуксиз етказиб берилиши қишлоқ хўжалигида самарадорликни оширишда муҳим ўринни эгаллайди, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланиши саноат корхоналарининг мутаносиб равишда ривожланишига кучли пойдевор яратади.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги тарихига кўра, бутун бир мажмуада, яъни *“маҳсулот ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатиш – таъминот – сақлаш – тайёрлаш – қайта ишлаш – сотиш”* каби ўзаро бир-бирига боғлиқ хўжалик субъектлари ўртасида ихтиёрий ва кўнгилли равишда, кооперация асосида ҳамкорлик муносабатларини самарали йўлга қўйилиши орқали мавжуд муаммолар босқичма-босқич муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Ривожланган мамлакатлардан Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Нидерландия ва Японияда кооперацияга асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари қишлоқ аҳолисини юз фоиз қамраб олган бўлса, Франция ва Германия давлатларида 80 фоизни, АҚШ ва Канадада эса 30–40 фоиз фермер хўжаликларини ўзида бирлаштирган кооператив корхоналар йирик

⁹ Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш ўтказди. <https://daryo.uz/k/2019/09/06/shavkat-mirziyoyev-qishloq-xojaligini-rivojlantirishning-ustuvor-yonalishlariga-bagishlangan-yigilish-otkazdi/>

агрофирмалар учун жиддий рақобатчи ҳисобланади¹⁰.

Хитойда қарийб 2 миллион уюшма рўйхатдан ўтган, фермерларнинг 47 фоизи қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида фаолият юритади. Россияда 5800 та, Қозоғистонда 2800 та, Қирғизистонда 442 та қишлоқ хўжалиги бирлашмаси ташкил этилган¹¹.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини жадал ривожланишининг энг асосий сабаби – хўжалик субъектларида ишлаб чиқаришни илм-фан асосида йўлга қўйилиши ҳисобланади. Демак, кооперация муносабатларининг асосини тўртта тамойил – ихтиёрийлик, дахлсизлик, мулкдан ҳамкорликда фойдаланиш ва илмий асосда ривожлантириш тамойиллари ташкил этмоқда ва бу тамойилларга таянган ҳолда кооперативларда амалиётга жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда «йилига 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Мева-сабзавотнинг 65 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 93–95 фоизи деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида етиштирилмоқда»¹², аммо бу маҳсулотларни “саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7–8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма субъектлари етарли эмаслиги натижасида етиштирилган маҳсулотларни йиғиштириш ва сақлаш жараёнида 30 фоизи йўқотилса, аксинча, қайта ишловчи корхоналар 50–60 фоиз қувватда фаолият юритмоқда. 2017 йилда мева-сабзавотнинг 19 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 16 фоизигина саноат даражасида қайта ишланган ҳолос»¹³.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши пировард натижада маҳсулотларни сақлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва логистика йўналишидаги инфратузилма субъектларини ривожлантиришга объектив шароит яратади, яъни «кооперация аҳоли етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатга жалб қилишнинг энг самарали йўли. Бу орқали, биринчидан, аҳоли даромади ошади, иккинчидан, саноат узлуксиз хом ашё билан таъминланади»¹⁴.

Жаҳон кооператив амалиёти ва тадқиқот натижалари бўйича кооперация муносабатларидаги кооператив корхоналар фаолиятининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва тавсифланди (1-расм).

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларидаги кооперативларни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари – ихтиёрий ҳамкорлик, фаолият йўналишини мустақил танлаш, аъзоликда ва хўжалик юритишда ҳуқуқий муносабатларнинг устуворлиги, аъзоларнинг мустақил хўжалик фаолиятини кафолатлаш, ички ахборот-маълумотларга эркин эгалик қилиш ва улардан


¹⁰ Чориев Қ.А. Пахта ва дон етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигида қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар. Тошкент, 2011, 33 б.

¹¹ Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги кооперативлари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. <http://www.agro.uz/uz/news/agro/far-ona-viloyatida-ishlo-kh-zhaligi-kooperativlari-vakillari-bilan-uchrashuvlar-tkazildi/>

¹² Ўзбекистонда агрологистика марказлари сони 140 тага етказилди. ҳозирда уларнинг сони 31 та. <https://kun.uz/news/2019/07/04>.

¹³ Ўша жойда.

¹⁴ Ўша жойда.



1-расм. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларининг асосий тамойиллари¹⁵

фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ўсиши ва юқори фойда ошишига эришиш, таваккалчилик ҳолатларида тенг жавобгарлик, бошқарув тизимида ошқоралик ва шаффофликни таъминлаш, маҳаллий бошқарув органлари билан узвий ҳамкорлик каби тамойиллар ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асосланди.

Тадқиқот натижалари асосида қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларидан иборат уйғунлашган тадбирлар мажмуи, шунингдек, янгидан ташкил қилинаётган кооператив корхоналар фаолиятини инновацион технологиялар ва ресурстежамкор ишланмалар ёрдамида ривожлантиришнинг объектив зарурати илмий жиҳатдан асосланди (2-расм).

Диссертация ишининг **“Қишлоқ хўжалигида институционал ислохотлар ва иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар даражаси”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, соҳада қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма субъектлари ўртасида шартномавий ҳамкорлик муносабатлар, агросаноат мажмуининг институционал тузилмаларида кооперация муносабатларини ривожлантириш масалалари чуқур таҳлил қилинганлиги келтирилган.

Бухоро вилоятида 2019 йил 1 январь ҳолатига деҳқон хўжаликлари ўртача 17 сотих ер участкасига, фермер хўжаликлари эса 92,6 гектар ер майдонига эга бўлгани ҳолда фермерлар картошкани 7,3, сабзавотни 20,0, мевани 49,0 ва узумни 42,3 фоизини етиштирилмоқда (1-жадвал).

¹⁵ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.



2-расм. Қишлоқ хўжалигида кооперацияга асосланган кооператив корхоналарни ташкил этишнинг объектив заруратини белгиловчи омиллар тизими¹⁶

Тадқиқотлар давомида Бухоро, Шофиркон, Ғиждувон ва бошқа туманларининг айрим фермер хўжалиklarининг фаолияти ўрганилди. Таҳлиллар натижалари фермерлар балансида экинлар орасига ишлов берадиган культиваторлар, пахта ва бошоқли дон экиш сеялкалари, минерал ва органик ўғитлар, турли биологик воситалар (суспензия) сепиш бўйича воситалар ва бошқа шу каби зарур техника ресурслари умуман йўқ. Туманлардаги муқобил машина-трактор парклари (ММТП) балансида асосан механизация хизматларини кўрсатишга қодир бўлмаган, жисмонан ва маънавий эскирган техника воситалари мавжуд.

ММТПлар балансидаги бир донга техника воситаси ўртача 490 гектар ер майдонига тўғри келмоқда ва бу ҳолат фермерлар томонидан экинларни ўз муддатида экиш, экинлар орасига ишлов бериш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича агротехнологик тадбирларни сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатади.

¹⁶ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

**Бухоро вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер майдони
тўғрисида маълумот (2019 йил 1 январь ҳолатида)¹⁷**

Туман ва шаҳарлар номи	Деҳқон хўжалик-лари сони	Ажратилган ер майдони, гектар		Деҳқон хўжалиги-га тўғри келадиган ўртача ер участкаси, гектар	Фермер хўжалик-лари сони	Ажратилган ер майдони, гектар		Фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача экин майдони, гектар
		жами	ш.ж. экин майдони			жами	ш.ж. экин майдони	
Бухоро	34030	6076	4138	0,18	1141	57687	17312	50,6
Вобкент	27245	5809	3905	0,21	888	23975	18497	27,0
Жондор	41822	7016	4130	0,17	984	99281	23716	100,9
Когон	16709	2567	1381	0,15	500	22754	14725	45,5
Олот	20560	4693	3618	0,23	363	31655	16029	87,2
Пешку	25541	4847	3392	0,19	544	104545	16261	192,2
Ромитан	27930	6409	3323	0,23	716	183908	12125	256,9
Шофиркон	36607	6178	4232	0,17	956	65948	19424	69,0
Коракул	34400	6215	5032	0,18	416	46117	17866	110,9
Коравулбозор	4299	523	474	0,12	256	16876	14133	65,9
Гиждувон	48696	8149	5331	0,17	741	55265	16821	74,6
Бухоро шаҳри	26951	611	386	0,02	154	1172	919	7,6
Когон шаҳри	3720	232	131	0,06	-	-	-	-
Жами:	348510	59325	39473	0,17	7659	709181	187828	92,6

Вобкент туманидаги И.Наимов номли масъулияти чекланган жамиятининг (МЧЖ) охири уч йиллик фаолияти ўрганилганда, ММТП ҳудудида қарийб 3000 гектар ер майдони бўлиб, унинг салкам 50 фоизи экин майдони ҳисобланади (2-жадвал). ММТП ҳудудидаги фермер хўжаликлари 1300 гектар ер майдонида пахта ва 300 гектарда бошоқли дон етиштиришади. ММТПда ишчилар сони 14 нафар, мавжуд техника воситаларининг сони эса 22 тани ташкил қилиб, уларнинг катта қисми маънавий ва жисмонан эскирган. ММТПнинг паст салоҳияти натижасида фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кўп эмас ва унинг сифати ҳам фермерларнинг талабини тўлиқ қондира олмайди. Натижада ММТПнинг 2019 йил бошида кредиторлик қарздорлиги 21741 минг сўмни, дебитор қарздорлиги эса 13247 минг сўмни ташкил қилган.

Вилоят сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) фаолиятида ҳам хўжалик субъектлари билан тузилган шартномалар ва улардаги мажбуриятларни бажарилиши, кўрсатилган хизматлар ва ҳақиқатда ундирилган пул маблағлари бўйича ҳам юқоридагидек манзарани кўриш мумкин. СИУлар томонидан шартномага мувофиқ хўжалик субъектларига сув етказиб берилганлигига қарамадан, кўрсатилган хизматлар учун тўланади пул-мблағларини ўз вақтида олмайдилар.

¹⁷ Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

**Бухоро вилояти Вобкент тумани И.Наимов номли ММТП МЧЖ
фаолияти тўғрисида маълумот¹⁸**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 йил 2016 йилга нисба- тан, % хисобида
1.	ММТП худудидаги жами ер майдони	га	3000	3000	3000	100
	ш.ж., экин майдони	га	1550	1680	1600	103,2
	ш.ж., пахта	га	1300	1300	1300	100
	ғалла	га	250	380	300	120
2.	ММТП ишчи-ходимлари сони	киши	15	14	14	93,3
3.	Жами сарф-харажатлар	минг сўм	97200	114800	143200	147,3
4.	Жами тушум	минг сўм	105000	124000	156000	148,6
5.	Техника воситаларни сони, жами	дона	23	23	22	95,7
	ш.ж., чопиқ трактори	дона	6	6	6	100
	Хайдов трактори	дона	1	1	-	-100
	Транспорт трактори	дона	3	3	3	100
	Пахта экиш сеялкаси	дона	1	1	1	100
	Буғдой экиш сеялкаси	дона	1	1	1	100
	Культиватор	дона	6	6	6	100
	Чизель	дона	3	3	3	100
	Ер текислагич	дона	2	2	2	100
	Техника воситаларини жами қиймати	минг сўм	255960	255960	213960	83,6
	6.	ММТП даги кредитор қарздорлик	минг сўм	19202	19557	21741
Шундан, иш ҳақидан		минг сўм	15100	15177	14826	98,2
7.	ММТП дебитор қарздорлик	минг сўм	8453	11953	13247	156,7
	Шундан, фермер хўжаликлари бўйича	минг сўм	8453	11953	13247	156,7

Бу СИУ ишчи хизматчиларининг иш ҳақи, солиқлар ва тўловлар, хизмат кўрсатиш ва таъминот корхоналаридан кредитор қарздорлигининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликларининг фаолиятларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бозор талаблари ўзгараётган, моддий ресурсларнинг нархлари эркинлаштирилаётган даврда ўзаро ҳамкор хўжалик субъектларини алоҳида, ўз манфаатларини кўзлаб иш юритишлари доимо юқори ва барқарор самарадорликни таъминламайди.

Тадқиқот давомида, юқоридаги масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида фермер хўжаликлари фаолиятида бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш, кунлик (ойлик) харажатлар ва даромадлар ҳисоб-китобини юритиш ҳолатларини ўрганиш юзасидан сўровнома ўтказилди. Чунки, кооперация муносабатларида ҳар бир аъзо – хўжалик субъекти ўз фаолиятидаги сарф-харажатларни аниқ ва шаффоф ҳолатда юритиши зарур ҳисобланади.

¹⁸ Бухоро вилояти Вобкент тумани И.Наимов номли ММТП МЧЖ маълумотлари асосида тузилди.

Сўровномада қатнашган 53 нафар фермер хўжалигининг 2 нафарида (3,7%) алоҳида бухгалтер мутахассиси бор бўлса, 20 нафар фермер хўжалигида (37,8%) бухгалтер қўшимча яна битта фермер хўжалигида иш юритишини, 31 нафар фермер хўжалигида (58,5%) эса бухгалтер икки ва ундан ортиқ фермер хўжалигига хизмат қилишини кўрсатишган.

Фермерларнинг 17 нафари (32,1%) хўжаликдаги сарф-харажатларни ҳар куни, 18 нафари (33,9%) ҳар ойда, 16 нафари (30,2%) ҳар чоракда ва 2 нафари (3,8%) йил якунида ҳисоблашини таъкидлашган.

Етиштирилган маҳсулотни сотишдан олинadиган даромадни 20 нафар фермер (37,7%) ўзи ҳисоблашини, 5 нафари (9,4%) даромад ҳисобини билмаслиги, 16 нафари (30,2%) даромадни йил якуни бўйича аниқлаши, 1 нафари (1,9%) даромад ҳисобини юритиш зарур эмаслигини ва 11 нафар фермер (20,8%) даромад ҳисобини бухгалтер ҳисоблашини таъкидлаган. Демак, аксарият кўпчилик фермер хўжаликларида сарф-харажатлар ва даромадларни ҳисоб-китобини юритиш талаблари амалдаги қонун ҳамда тартибларга тўлиқ жавоб бермайди.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқариш инфратузилма субъекти шахобчаларини, жумладан ММТП, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит сотиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, биолоботория ва агрофирмаларни “хусусий тадбиркор” ёки “фермерлар-хусусий шерикчилик шаклида; СИУларни “фермерлар-давлат-хусусий шерикчилик” шаклидаги кооператив корхона сифатида ташкил қилиниши илмий-амалий жиҳатдан асосланди. Ушбу шаклда кооператив корхоналарни ташкил қилиниши иқтисодий, ижтимоий, экологик, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Диссертация ишида қишлоқ хўжалиги корхоналари, хизмат кўрсатиш, таъминот, иш бажариш тизимидаги инфратузилма субъектлари ўртасида замонавий кооперация муносабатларини шакллантириш тизими ишлаб чиқилди ва ушбу тизим илмий-амалий жиҳатдан асосланди (3-расм).


Диссертация ишининг **“Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш даврида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида агрокластерларда ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегияси, ушбу муносабатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Республикамизда ушбу йирик тадбир бошлангандан сўнг ўтган икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг тегишли 76 та ихтисослашган пахта-тўқимачилик¹⁹ ва 47 та мева-сабзавотчилик кластерлари²⁰ фаолият кўрсатмоқда, уларга 60 фоиздан ортиқ қишлоқ хўжалиги майдонлари бириктирилган²¹.

